

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг
2020 йилдаги фаолияти тўғрисида
ҲИСОБОТ**

**2021 йил
Тошкент шаҳри**

Мундарижа

КИРИШ	3
АСОСИЙ ҚИСМ.....	5
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ-НИНГ ВА УНИНГ МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР-ЛИКЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	5
II. ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ ВА ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАРНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ АУДИТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ.....	7
III. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИГА ВА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАРГА МАБЛАҒЛАР ТУШУМЛАРИНИНГ ТЎЛИҚЛИГИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ.....	11
IV. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ВА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ЗАХИРАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ ҲАМДА САФАРБАР ҚИЛИШ.....	14
V. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ВА БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА ҚОНУНИЙЛИГИНИ АУДИТДАН ЎТКАЗИШ, БУ ХАРАЖАТЛАРНИ БАРЧА ДАРАЖАЛАРДА ҚИСҚАРТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ.....	15
VI. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ ҲИСОБИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ ҲАМДА АСОСЛИГИНИ БАҲОЛАШ.....	22
VII. СОЛИҚ, БОЖХОНА ВА БЮДЖЕТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА, ТИЗИМЛИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР САБАБЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ УМУМЛАШТИРИШ ҲАМДА ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ДОИР ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	35

VIII. Ўзбекистон Республикасининг Республика Бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир тақлифлар ишлаб чиқиш.....	38
IX. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик аҳамиятга молик хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш.....	42
X. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш	47
XI. Бошқа амалга оширилган ишлар.....	50

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6042-сонли Фармони билан Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий даражадаги ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатлари ижроси, стратегик корхоналарни инвестиция лойиҳалари назорати ҳамда импортнинг асосланганлигини ўрганиш бўйича функциялари Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4840-сонли қарори билан Ҳисоб палатаси тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида Электр энергия ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг жорий этилишини ҳамда ҳисоб-китоблар ҳолатини мониторинг қилиш шўъбаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли Фармони билан Ҳисоб палатасининг тузилмаси янгидан тасдиқланди.

Бунда, Ҳисоб палатаси тузилмасида бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида “Иқтисодий яширин айланмани камайтириш ва бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлаш”, “Коррупцияга қарши курашиш тизимларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш”, “Давлат ташқи қарзи ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳа ва дастурларни аудитдан ўтказиш”, “Ҳуқуқий таъминот, методология, халқаро ҳамкорлик ва жамоатчилик билан ишлаш” ҳамда “Ташкилий, назорат ва ахборот-таҳлил” каби янги йўналишлардаги шўъбалар ташкил этилди.

Шунингдек, Давлат бюджети маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида, бошқарув ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида “Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларини аудит қилиш”, “Иқтисодий, марказлашган инвестициялар ва жамоат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларини аудит қилиш”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, адлия, прокуратура, судлар ва бошқа харажатларни

аудит қилиш” ва “Давлат харидлари қонунийлигини назорат қилиш” каби шўъбалар ташкил этилди.

Бунда, бошқарув ходимларининг умумий сони 81 штат бирлигидан 63 штат бирлигигача қисқартирилди, бюджет тизими бюджетларининг харажатларини назорат қилиш йўналишида амалдаги 9 та штат бирлиги 24 та штат бирлигига етказилди.

Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги тасдиқланган назорат ишларини йиллик дастурига бутун дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувини олдини олиш бўйича муҳим чоралар билан боғлиқ 32 та янги тадбирлар қўшилди ва бевосита жойига чиқиб олиб борилиши лозим бўлган бошқа 32 та тадбирларни келгуси йилларда ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, йиллик дастурда белгиланган 8 та тадбирлар масофавий тарзда ўтказилди.

Мазкур ҳисоботда Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилда амалга оширилган 87 та назорат тадбирлари ва таҳлилий ўрганишлар натижаларининг эътиборга молик жиҳатлари ўз аксини топган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳисоб палатасига юклатилган вазифалар ижроси

I. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилишининг ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигининг тизимли таҳлилини амалга ошириш.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияси Ҳисоб палатаси томонидан кўриб чиқилди ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига хулоса киритилди.

Олиб борилган таҳлиллар ва ҳисоб-китоблар натижасида, Давлат бюджети даромадлари ижроси ва 2021 йил солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Киритилган таклифларнинг Давлат бюджети даромадлари ижроси ва 2021-2023 йилларга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсати бўйича 5 таси, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси бўйича 2 таси қабул қилинди.

Жумладан, амалдаги тартибга асосан, мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш базаси юридик шахслар учун кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, жисмоний шахслар учун кўчмас мулкнинг кадастр қиймати ҳисобланади.

Ушбу тартиб амалда солиқ солиш базасидаги тафовутлар, юридик шахсларнинг турли схемалардан фойдаланиш орқали солиқ суммасини камайтириш имкониятидан фойдаланишга шароит яратиб бераётганлиги, солиқ солишнинг адолатлилик тамойили бузилишига сабаб бўлаётганлиги Ҳисоб палатасининг ўрганишларида кузатилди.

Шундан келиб чиқиб, мол-мулк солиғи бўйича ставкаларини кўчмас мулкнинг тоифаларидан келиб чиқиб, юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил миқдорда жорий этиш таклиф этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли Фармонида ўз аксини топди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан жорий йил учун соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шунингдек юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш фақат уларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори доирасида амалга оширилиши назарда тутилган.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, ҳомийлик ва грант маблағлари ҳисобидан ушбу дастурларни амалга ошириш учун юридик ва молиявий мажбуриятларни жалб қилиш имкониятларини чеклаб қўйилишини инобатга олган ҳолда мазкур талабларни Бюджет кодексига мувофиқ қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, ҳудудларга ташрифлари ва йиғилиш баёнларидан иборат жами 95 та ҳужжатдаги 124 та топшириқларни амалга ошириш учун 2021 йил Давлат бюджети лойиҳасида маблағларни тўлиқ кўзда тутилганлиги таҳлил қилинди.

Таҳлиллар натижасида, ПФ-6099-сонли Фармонда спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари учун Давлат бюджетидан 2021 йилдан бошлаб дастурлар тўлиқ бажарилгунга қадар ҳар йили 104,0 млрд сўмдан маблағ ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда 2021 йил учун консолидациялашган бюджет даромадлари жами 178,7 трлн сўм шундан, давлат бюджети даромадлари 147,2 трлн сўм, консолидациялашган бюджет харажатлари эса жами 216,2 трлн сўм шундан, давлат бюджети харажатлари 149,9 трлн сўм қилиб тасдиқланди.

II. Қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш.

Давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги, маблағларни ўзлаштирилиши ва дастурлар доирасида амалга ошириладиган вазифаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг натижадорлиги юзасидан жойларга чиққан ҳолда ва масофавий тарзда назорат тадбирлари олиб борилди ҳамда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сонли қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг мақсадли прогноз параметрларини бажарилиши ҳамда аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширилиши жойларга чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 майдаги 356-ф-сонли ва 2018 йил 21 июлдаги 592-ф-сонли фармойишларида 2018-2019 йилларда маҳаллий бюджетларни даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисмининг 40 фоизигача миқдорини ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларига ажратиш юзасидан топшириқлар берилган.

Андижон вилоятида 2018-2019 йилларда ушбу тадбирлар учун даромадларни прогноздан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан умуман маблағ ажратилмаганлиги аниқланди.

Тошкент вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларига 2018 йилда ажратилган маблағдан учдан бир қисми аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига йўналтирилмасдан тижорат банкларида сақланиб келинган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоат ишлари жамғармаси даромадлари 2019 йилда жами 373,1 млрд сўмни ташкил этиб, шундан 372 млрд сўми Давлат бюджетидан ажратилган.

Жамғарма томонидан халқаро молия институтлари грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг, ҳомийлик жамғармаларининг ва бошқа хорижий донорларнинг ихтиёрий ёрдамлари бўйича маблағларни жалб қилиш ишлари ташкил этилмаган.

Ўрганиш жараёнида ҳисоботларда жамоат ишларига жалб қилингани расмийлаштирилган 1 579 нафар фуқаролар ҳақиқатда чет элда бўлган вақтида уларга маблағлар меҳнат ҳақи сифатида тўлаб юборилгани маълум бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги фармойиши билан Жамғарма ҳисобидан 2019 йил пахта теримида қатнашган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги ишсиз шахсларга бир марталик тўлов учун жами 15 млрд сўм маблағлар ажратилган.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарори ижроси юзасидан Тошкент вилоятида умумтаълим мактаблари объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб борилиши жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ва пудратчи ташкилотлар ўртасида 2019 йилда вилоятдаги умумтаълим мактаблари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари учун 280,2 млрд сўмлик шартномалар имзоланган.

Мазкур шартномалар асосида 91,6 фоизи бажарилган ишлар далолатномалари расмийлаштирилган ва 88,1 фоиз маблағлар молиялаштирилган.

Бажарилган ишлар бўйича расмийлаштирилган далолатномалар лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда амалда бажарилган ишлар ҳажми 32 та объект мисолида ўрганилганда, хато ва камчиликлар аниқланди.

Масалан, Ангрен шаҳридаги 17-сонли мактабни мукамал таъмирлаш объекти бўйича 5 832,8 млн сўмга шартнома имзоланган бўлиб, 5 822,5 млн сўмга бажарилган ишлар далолатномаси расмийлаштирилган ҳамда 5 541,2 млн сўмга молиялаштирилган.

Объектда бино қаватлари ораси темир бетон плиталар билан ёпилган бўлиб, 4 367 м² ҳажмда коридор ва ўқув хоналари шифтлари “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари” меъёрий ҳужжати бўйича қуруқ аралашма (шпатлёвка) билан текисланиб бўёқ сепилиши лозим бўлсада, амалда бошқа маҳсулот билан қопламалар қилиниб, мазкур самарасиз бажарилган ишлар учун маблағлар сарфланган.

Шунингдек, бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилган 1 200 м² том ёпиш ишлари ҳақиқатда бажарилмаганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш натижалари юзасидан камчиликларга йўл қўйилган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

2.3. Ҳисоб палатаси томонидан давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш ҳамда бевосита жойларга чиққан ҳолда муаммоли масалаларни ечими юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатиб борилди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри, Қуйи Чирчиқ ва Янгийўл туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ташкил қилиниши, сифатли

таъминланиши ҳамда юзага келаётган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ечимини топишда амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Бунда ҳар бир туманга Ҳисоб палатасининг ходимлари масъул сифатида бириктирилди ҳамда ишлар доимий равишда жойларга чиққан ҳолда олиб борилиб, қуйидаги натижаларга эришилди.

Янгийўл шаҳрида 2020 йилда умумий қиймати 170,1 млрд сўм бўлган 33 та лойиҳа ишга туширилиб 488 та янги иш ўринлари яратилди, 2 та мактаб, 5 та боғча, У.Юсупов уй-музеи ва 4 та тижорат банклар бинолари таъмирланди, 7 та хусусий тиббиёт диагностика маркази ва 2 та кўп қаватли уйлар қурилди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3,7 млрд сўм ажратилган 1-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш ишлари бошланди, 1 та давлат хусусий шерикчилик асосида ва 2 хусусий боғчалар қурилишига 6 млрд сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Магистрал темир йўлини кесиб ўтувчи узунлиги 700 метрлик йўл ўтказгич (71,3 млрд сўм) қурилди, ён атрофлари ободонлаштирилди (1,5 млрд сўм), 400 метрлик йўл ўтказгич (8 млрд сўм) ва автомагистрал йўл билан боғловчи кўча (2 млрд сўм) реконструкция қилинди, 2,7 км узунликдаги 9 та ички кўчалар (1,7 млрд сўм) асфальт қилинди.

Қуйи Чирчиқ туманида 18 км автомобиль умумфойдаланувдаги йўллари, 14 км ички хўжалик автомобиль йўлларни таъмирлаш ишлари учун жами 6,5 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

Кўп қаватли 6 та уй-жойларни том қисми тўлиқ янгиланди, 22 тасини кириш йўлаклари, 9 та уйларнинг 7,5 минг м² фасади таъмирдан чиқарилди, атрофлари девор билан ўралди (1 млрд сўм бюджет маблағлари), 3 та мактаб мукамал таъмирланди.

800 метр газ қузури мукамал таъмирланди, 81 дона газ тақсимлаш нуқталари тафтишдан ўтказилди, 7 дона электр трансформатор, 10,2 км ҳаво тармоғи реконструкция қилинди, 372 дона ёғоч таянчлар янгиланди.

Уй-жойга муҳтож оилалар учун 96 та хонадонли 4 та кўп қаватли уйларни қурилиши олиб борилмоқда.

Бўш турган ва мақсадли фойдаланилмаётган объектлар ва ер майдонлари хатловдан ўтказилиб, 36 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошлади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 10 нафар фуқароларга уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадаллар тўлаб берилди, 20 нафар муҳтож фуқаролар уй-жойлари тўлиқ таъмирланди.

Янгийўл туманида 5 та ички кўчаларнинг 3,8 км қисми асфальт

қилинди, 122 та ташқи ёритиш чироқлари ҳамда 705 метр лотоклар ўрнатилди, 4,5 км ичимлик суви қузури, 3 та скважина, 1 та сув минораси, 3 та трансформаторлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

“Ниёзбоши” худудида 2,7 км ичимлик суви қузурали реконструкция қилинди ва 2 800 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Тумандаги 111 та хонадон ва 18 та нотураар биноларни том ва фасад қисми таъмирланиб, атрофлари ободонлаштирилди, 11 та хонадонга 145 млн сўм банк кредити, 5 та хонадонга 35 млн сўм ҳомийлик маблағлари, 95 та хонадонга 570 млн сўм ҳамда 16 та нотураар биноларга 180 млн сўмлик ўз маблағлари жалб этилди.

Жами 33,7 млрд сўм маблағлар ҳисобига 4 та мактаб, 5 та боғча, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та ёнғин қутқарув пости объектлари қурилди ва таъмирланди.

“Қувасойцемент” АЖга қарашли йиллик қуввати 1,0 млн тонна бўлган цемент ишлаб чиқариш корхонасининг Янгийул филиали 2015 йилдан буён фаолиятини тўхтатган эди.

Ушбу корхонани муаммолари ўрганилди ва амалий ёрдам кўрсатилиб, 2020 йил июль ойида ишга туширилди. Натижада, 160 та ишчи ходимлар (127 таси Янгийул туман аҳолиси) ишга қабул қилинди ва қунига 3 200 тонна цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Хотира майдони”да 500,0 млн сўмга ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг янги замонавий биноси ва Давлат хизматлар маркази биноси қурилиш ишлари якунига етказилиб фойдаланишга топширилди.

III. Бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш.

3.1. Ҳисобот йилида ушбу йўналишда тизимли назорат ҳамда солиқ турлари ва ҳудудлар бўйича кунлик мониторинг ишлари давом эттирилди.

Давлат бюджетига 2020 йилда даромадлар тушуми 132,9 трлн сўмни ташкил этиб, белгиланган 128,4 трлн сўм прогноз кўрсаткичлари 4,5 трлн сўмга (3%) орттириб бажарилди. Давлат бюджетига 2019 йилга нисбатан 20,7 трлн сўм (42%) кўп тушумлар жалб қилинди.

Жумладан, солиқ тушумлари бўйича бюджетга 103,6 трлн сўм жалб қилинди ва белгиланган 99,6 трлн сўм прогноз кўрсаткичлари 3,9 трлн сўмга (4%) орттириб бажарилди. Бюджетга 2019 йилга нисбатан 20,2 трлн сўм (24%) кўп солиқ тушумлари жалб қилинди.

Божхона тушумлари бўйича бюджетга 24,7 трлн сўм жалб қилиниб, белгиланган 23,3 трлн сўм прогноз 1,4 трлн сўмга (6%) орттириб бажарилди. Бюджетга 2019 йилга нисбатан 7,6 трлн сўм (44%) кўп божхона тушумлари жалб қилинди.

Бошқа тушумлар бўйича бюджетга 4,7 трлн сўм тушумлари жалб қилинди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 2020 йилда 4,4 трлн сўм маблағ ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилди (шундан, республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 1,4 млрд сўм маҳаллий бюджетларга ўтказиб берилди).

Таъкидлаш лозимки, 2019 йилда Давлат бюджетига 9,2 трлн сўм қўшимча манба жалб қилинган бўлса, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 4,7 трлн сўм кам қўшимча манбалар жалб қилинди.

Бу ҳолатга жойларда ўтказилган ўрганишларда таҳлил қилинган йўналишлар бўйича солиқ идоралари томонидан назорат тадбирлари кучайтирилганлиги, шунингдек, Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари асосида ҳудудий ташкилотларнинг солиқ солишда фойдаланиладиган маълумотлар базаси такомиллаштирилганлиги ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилганлиги ижобий таъсир кўрсатди.

Давлат бюджети даромадларининг, жумладан солиқ ва божхона тўловларининг йиғилувчанлик даражаси Ҳисоб палатаси томонидан дастурий равишда тизимли таҳлил қилиб борилди.

Хусусан, барча солиқ турлари бўйича прогноз ва ҳақиқатдаги кўрсаткичлар юзасидан кунлик, ойлик ва чорақлар кесимида мониторинг олиб борилди.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан Андижон ва Тошкент вилоятларида маҳаллий бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, бу борада ҳудудий ҳокимликлар, молия, солиқ идоралари ва бошқа тегишли ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ўрганиш ўтказилди ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Андижон вилояти бўйича 43 та йўналишда қўшимча даромадларни жалб қилиш имконияти аниқланди.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджети даромадларини кўпайтириш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган ўрганишда 77 та йўналишда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Шу билан бирга ташқи манбалардан олинган маълумотлар ва солиқ ҳисоботларини солиштириш натижасида қўшимча солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар олинди.

3.3. Пандемия шароитида бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлаш учун ходимлар бириктирилиб, қўшимча равишда масофавий таҳлил ва амалий ёрдам тадбирлари амалга оширилди.

Бухоро вилояти бўйича 52 та йўналишда масофавий таҳлиллар ўтказилиб, қўшимча даромад манбалари аниқланди.

Аниқланган ҳар бир манбаларни номма-ном рўйхати вилоят ҳокимлигига берилди ва ундирилди, ҳисоботлардаги хатоликлар тўғирланди.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4679-сонли қарори ижроси юзасидан Давлат улушига эга корхоналар томонидан дивидендларни тўлиқ бюджетга тўланиши устидан назорат амалга оширилди.

Қарорда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотларда 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинмаган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чораларни кўриш топшириғи берилган.

Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ҳамкорликда уставда давлат улуши бўлган 2 232 та корхоналар ҳамда улар томонидан дивидендларни бюджетга тўланиши юзасидан таҳлиллар амалга оширилди.

Улардан 1 543 таси 2019 йилда 11,6 трлн сўмлик фойда олгани аниқланди ва қарор талабларига асосан 2020 йилда Давлат бюджетига дивидендлар бюджетга ўтказилиши кунлик назорат қилиб борилди ва тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, ушбу қарордаги давлат божи ва йиғимлар ҳисобидан ташкилотларни махсус ҳисоб рақамларига ўтказилган маблағлар қолдиғининг ярмини бюджетга ўтказиш топшириғи бўйича ҳам таҳлиллар олиб борилди.

Жумладан, бюджет ташкилотларини 27 456 та махсус ҳисоб рақамлардаги 14,3 трлн сўм қолдиқ маблағларини келиб чиқиш манбалари, уларни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 232-сонли қарорида белгиланган тартиб ва меъёрларда давлат бюджетига ўтказиш имкониятлари бирма-бир таҳлил қилинди.

Таҳлиллар олиб борилган даврда 60 та вазирлик, идоралар тизимидаги 1 502 ташкилотнинг 382 млрд сўми Давлат бюджетига ўтказиб берилди.

IV. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарори билан 12 та давлат органлари ва ташкилотларининг дастурий таъминот асосидаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимида фойдаланиш, 33 та давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларидан сўров асосида фойдаланиш учун Ҳисоб палатасига рухсат берилган.

4.1. 2020 йил давомида солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган 5 та давлат органлари маълумотлар базасининг ишончлилиги аудитдан ўтказилди.

Мазкур ўрганишларда соҳаларда замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали Давлат бюджетига кўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, Қурилиш вазирлигида 53,2 млрд сўм, “Ўздонмахсулот” АҚда 37,8 млрд сўм, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида 2,3 млрд сўм, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш давлат жамғармасида 6,7 млрд сўм ва Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасида 9,3 млрд сўм бюджет тушумларини кўпайтириш имкониятлари аниқланиб, 82,0 млрд сўми ундирилди.

Масалан, Қурилиш вазирлигида 28 та корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тўлиқ юборилмаганлиги ҳисобига кўшимча маблағларни жалб қилиш имконияти йўқотилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида хорижий ишчиларни жалб қилиш учун иш берувчиларга берилган рухсатномаларни солиқ органларига тўлиқ тақдим этиб бориш тизими йўлга қўйилмаганлиги натижасида айрим корхоналар томонидан имтиёزلардан асоссиз ва мақсадсиз фойдаланиш ҳисобига Давлат бюджетига солиқлар ундирилмасдан қолган.

Мазкур вазирлик ва идоралар тизимига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда келгусида олдини олиш мақсадида, Давлат бюджетига кўшимча маблағларни жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган “Йўл харита”лари ишлаб чиқилди ва ижроси назоратга олинди.

V. Бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш.

Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилда бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш юзасидан 41 та назорат тадбирлари ўтказилди.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармонида асосан ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда доимий мониторинг ва текширишлар ташкил этилди.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилда жами 12,8 трлн сўм маблағ ажратилган.

Мазкур текширишда коронавирусга қарши курашиш тадбирлари ҳамда тиббиёт ва карантин муассасаларини қуриш учун жамғармадан йўналтирилган 4,9 трлн сўмлик маблағлар сарфининг қонунийлиги текширилди.

Текширишда махсус устама ва рағбат пулларини тўлаш, харидларни амалга ошириш, товар моддий бойликларни кирими ва чиқими ҳамда улардан самарали фойдаланишгача бўлган барча босқичларда қонун бузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, харидларни амалга оширишда ташкилот ва муассасалар томонидан қиммат нархларда шартномалар тузилиши натижасида маблағлар ортиқча сарфланган.

Соғлиқни сақлаш тизими айрим муассасаларида коронавирус касаллигини даволаш тўхтатилган бўлсада молиялаштириш ишлари тўхтатилмасдан жамғарма маблағлари бошқа мақсадларга йўналтирилган.

Асосиз бошқа ташкилотларга бериб юборилган тиббий жиҳозлар мақсадлилиги бўйича тегишли муассасаларга олиб келинди, асосий воситалар киримга олиниб, бухгалтерия ҳисоботларининг тикланиши таъминланди.

5.2. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 30 июлда қабул қилинган ПФ-6038-сонли Фармони ҳамда 2020 йил 26 августдаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4815-сонли қарорлари асосида ажратилган маблағларни мақсадли ва ўз

вақтида ажратилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Ишчи гуруҳлар ташкил қилинган ҳолда назорат ўрнатилди.

Жумладан, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириш мақсадида “Саховат ва кўмак” жамғармасига республика бюджетидан 404 млрд сўм ажратилди.

Шунингдек, ПФ-6038-сонли Фармонда тўлов муддати 2020 йилнинг июль-сентябрь ойларида тугайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой муддатга (бола тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган ҳолатда) давом эттириш, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 млрд сўм, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағларни ажратилиши белгиланди.

Мазкур бир марталик моддий ёрдам пулларини моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларига киритилган оилаларга 2020 йил 15 августга қадар етказилиши белгиланди.

Республика бюджетидан ПФ-6038-сонли Фармон доирасида 666,3 млрд сўм ҳамда ПҚ-4815-сонли қарор доирасида 422,5 млрд сўм маблағлар молиялаштирилган.

Жумладан, коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, “Темир дафтар” рўйхатига киритилган 183 599 та оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 153,4 млрд сўм, 400 мингдан кўпроқ оилаларга бир марталик моддий ёрдам сифатида 262,9 млрд сўм, 35 минг нафар ходимларга 100 млрд сўм ва диний соҳада хизмат қилаётган 5 718 нафар вакилларни моддий рағбатлантириш учун 14,3 млрд сўм маблағлар молиялаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси маълумотлар базасидан бир марталик моддий ёрдам бўйича мурожаатлар олиниб, ҳудудларда ўрганиш ўтказилди, “Saxovat.argos.uz” электрон дастур орқали “темир дафтар”га киритилган оилалар ҳақида кунлик маълумотлар шакллантирилиб, ўрганиб борилди.

Амалга оширилган назорат тадбирлари жараёнида моддий ёрдам бўйича ва тиббиёт ходимларига мукофот бўйича молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.

Ўрганишда нотўғри тўланган тўловлар бюджетга қайтарилди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан Ишчи гуруҳлар тузилиб, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида жойларга чиққан ҳолда эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш шароитлари ва уларга кўрсатилаётган ёрдамлар ҳолати ўрганилди.

Тошкент вилоятида 40 474 та (163,2 минг аҳоли) ва Қашқадарё вилоятида 52 246 та (229,7 минг аҳоли) эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш ва улар билан ишлашда айрим камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, айрим жойларда камбағалликдан чиқариш, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар ташкил этилмаганлиги, хусусан кўрсатилган ёрдамлар такрорий ёки ошириб кўрсатилиши натижасида 1 800 та кўмакларнинг 6,5 фоизи ўз тасдиғини топмаганлиги, 317 та ёрдамлар бўйича маҳсулотлар аҳолига тўлиқ етказиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг бандлиги бўйича Тошкент вилоятида 2 878 нафар фуқаро доимий, 4 909 нафар фуқаро мавсумий, Қашқадарёда 956 нафар фуқаро доимий, 5 843 нафар фуқаро мавсумий иш билан таъминланганлиги кўрсатилган.

Шундан, аввалдан ишлаб келаётган 72 нафар фуқаро маълумотлар базасида янги ишга жойлаштирилган деб нотўғри кўрсатилгани аниқланди.

Ўрганиш давомида секторлар кесимида ҳар бир эҳтиёжманд оилани иш билан таъминлаш бўйича аниқ манзилли рўйхат ишлаб чиқилди ва тегишли тармоқ комплексларига тақсимлаш ишлари олиб борилди.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3231 сонли ва 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарорларида белгиланган вазифалар асосида 2018-2019 йилларда Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳисобидан халқ таълими тизимида ажратилган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилиши Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўрганилди.

Ўрганиш натижасида молиявий хато ва камчиликлар ҳамда бюджет харажатларини мақбуллаштириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга оширишда айрим ҳисобчи ва бошқа масъулларни ноқонуний ҳаракатлари натижасида ҳужжатларни сохталаштириб, ўқитувчиларнинг номига олинган ойлик маошлар сифатида маблағлар ўзлаштирилган ҳамда ходимларга нотўғри ва ортиқча тўланган.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан нақд пул маблағлари банкдан ортиқча олиниб кассага кирим қилинмаган ҳамда сохта тўлов қайдномаларини (ведомостларини) расмийлаштириш йўли билан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳисобчилари томонидан ўзлаштирилган.

Халқ таълими вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаган ҳолда шартномалар тузилганлиги аниқланди.

Мисол учун, 2018 йилда Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими томонидан электрон аукцион ўтказмаслик мақсадида 53 та қисмга сунъий бўлинган ҳолда иситиш воситалари аукцион ўрнига электрон дўкондан харид қилинган.

Халқ таълими соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини тасарруф этишда самарасиз харажатларга йўл қўйилган.

Мисол учун, Халқ таълими тизимида яратилган “Kitob.uz” электрон дастурий мажмуаси мавжуд бўлсада, “Халқ таълими тизими корпоратив электрон кутубхоналар тармоғи” лойиҳаси учун маблағлар самарасиз йўналтирилган.

Умумтаълим мактабларини янги қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда жиҳозлашда лойиҳа-смета ҳужжатларига бажарилиши лозим бўлмаган ишларни киритиш натижасида маблағ нотўғри сарфланган.

Мисол учун, Беруний туманида қўшимча манбалар ҳисобидан қурилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги кўрсатилган 58-мактаб филиалида умуман қурилиш бўлмаганлиги ва бўш ер майдони турганлиги аниқланди.

Мактабларга 2019 йилда етказиб берилган жиҳозларнинг белгиланган стандарт ва тасдиқланган техник талабларга жавоб бермаслиги, шундан, фойдаланилмасдан омборларда сақланиб келаётганлиги, қабул қилиб олинган жиҳозлар эса шу кунгача етказиб берилмаганлиги ҳамда белгиланган энг юқори нархлардан ҳам қиммат нархларда харид қилиниши оқибатида маблағлар ортиқча сарфланганлиги аниқланган.

Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган ўрганишда аниқланган хато ва камчиликлар Давлат бюджетига ундирилди ҳамда бартараф этилди.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва уларни келгусида такрорламаслик юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан 10 та йўналиш бўйича 28 та таклиф ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифлар асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда йўл харитаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

5.4. Мактабгача таълим вазирлиги тизимида 2018-2019 йилларда бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда 2020 йилги харажатларни мақбуллаштириш имкониятларини аниқлаш бўйича Мактабгача таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўрганиш ўтказилди.

Тизимдаги мавжуд 6 116 та ташкилотлардан 222 тасида ўтказилган ўрганишларда молиявий хато ва камчиликлар ҳамда тизим бўйича бюджет харажатларини мақбуллаштириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

Худудий мактабгача таълим бўлимлари томонидан давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларига иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлашда хато-камчиликларга йўл қўйилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари харажати ва ота-оналар тўлови бўйича ҳам молиявий хато-камчиликларга йўл қўйилган.

Тизимдаги ташкилотларда болалар сонини яшириш, тўланган ота-она тўлов пулларини кирим қилмаслик орқали маблағлар ноқонуний ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

Масалан, Жарқўрғон туманидаги 37 та мактабгача таълим муассасасида ота-оналар тўловлари ташкилот кассасига кирим қилинмасдан ноқонуний ўзлаштирилган ва асоссиз равишда қарздорликка йўл қўйилган.

Тизимдаги ташкилотлар томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига зид равишда шартномалар тузилган.

Жумладан, давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиб, асоссиз равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали маҳсулотлар қиммат нархларда харид қилинган.

Мактабгача таълим муассасаларга иситиш тизимларини ўрнатишда, ностандарт, бола соғлиги ва хавфсизлигига жавоб бермайдиган самарасиз ишлайдиган иситиш тизимлари ўрнатилиб, бюджет маблағлари мақсадсиз ва самарасиз сарфланган.

Ўрганиш натижаси бўйича аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва уларни келгусида такрорламаслик юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан 26 та йўналиш бўйича 75 та таклиф ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифлар асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда йўл харитаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш

ва амалга ошириш ҳамда айрим меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришларни киритиш таклиф қилинди.

5.5. “Ўзбекистон республикаси товар хом-ашё биржаси” АЖнинг маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилди.

Ўрганишда 2019 йил 1 январдан 2020 йил 1 июнгача бўлган даврда амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, бир қатор камчиликлар аниқланди.

Жумладан, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига амал қилинмасдан шартнома қийматидан келиб чиқиб электрон дўкон, аукцион, танлов ва тендерларни ўтказиш шартлари нотўғри қўлланилиб, рақобатни четлаб ўтиш мақсадида харидлар қисмларга бўлиниб, битимлар тузилганлиги аниқланди.

Таъсисчиси битта жисмоний ёки юридик шахс бўлган етказиб берувчилар томонидан олдиндан ўзаро келишилган ҳолда тендер ва танловларда иштирок этиш ҳаракатларини амалга ошириб буюртмачиларга товар ва хизматлар етказиб берилган.

Буюртмачилар томонидан миқдорий мезонларга риоя этилмасдан электрон дўкон орқали харидлар амалга оширилган.

Харидлар бўйича техник топшириқларни амалдаги қонунчиликка асосан экспертизадан ўтказмасдан харидлар амалга оширилган.

Давлат буюртмачилари томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ва қонуности ҳужжатларига зид равишда давлат харидлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали амалга оширилган.

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган ижрочилар билан шартномалар имзоланган.

Электрон савдоларда қатнашган 571 та давлат харидлари иштирокчилари қиймати етказиб берилган товар ва хизматлар ҳажмини солиқ идораларига топширилган ҳисоботларида сунъий камайтириб акс эттирган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон аукцион амалга оширилишидан камида ўн кун аввал жойлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарорида ушбу муддат беш кун этиб кўрсатилган бўлиб, ушбу қарор ҳамда Қонунда белгиланган талаблар ўрганиш даврига қадар ўзаро мувофиқлаштирилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қароридаги тендер ўтказиш бўйича мезонлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни билан мувофиқлаштирилмаганлиги аниқланиб,

берилган таклифлар асосида ушбу қарор 2021 йил 26 январда ўз кучини йўқотди.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари юборилди.

5.6. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунини 18-моддасига асосан молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши юзасидан назорат тадбири ўтказилди.

Нazorat тадбирида асосий эътибор сиёсий партиялар ҳисобига молиявий ва бошқа маблағларнинг тўлиқ тушиши ва бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишига қаратилди.

Ўрганишлар натижаси бўйича Ҳисоб палатасининг хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш учун сиёсий партияларга юборилди.

5.7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Бюджет кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Давлат бюджетининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш мобайнида ҳисоботларда бир қатор хато ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ҳисоб палатасининг хулосаси юборилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижроси тўғрисидаги ҳисоботида қайд этилган Давлат бюджети даромадларининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида белгиланган Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларига нисбатан кўп кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрларини ошириш назарда тутилган бўлсада, Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида назарда тутилган мақсадга зид равишда 66 та туман (шаҳар)ларни даромадларини тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари камайтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий дипломатик ваколатхоналари томонидан ундирилган консуллик йиғимлари Давлат бюджетининг даромадлари таркибида акс эттирилмаганлиги маълум бўлди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўртасида маблағлар 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда қайта тақсимлаш Олий Мажлис палаталари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, 2019 йилда Суд органларини сақлаш харажатлари 12,5 фоизга Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланмаган ҳолда оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги 2019 йилги ҳисоботлари ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги жами даромадлари 24,3 трлн сўмни, амалга оширилган тўловлар эса 26,2 трлн сўмни ташкил этган.

Аудит жараёнида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳисоботларида йил бошидаги қолдиқ маблағи таркибида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2018 йилда ўтказиб берилган маблағ нотўғри акс эттирилгани, ушбу маблағ 2019 йилда Пенсия жамғармаси ҳисоб рақамига қайтарилиши лозим бўлсада, амалда қайтарилмаганлиги ҳамда пенсия ва бошқа ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағларни режалаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўтказилган ташқи аудит ва баҳолаш жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини хулосаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

VI. Бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослигини баҳолаш.

6.1. Инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сўзсиз ижросини мониторинг ва назорат қилишнинг янги механизми жорий қилинди.

“Ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизимида invest.ijro.uz янги модул яратилди, унга 202 та вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда 14 та ҳудудлар уланди ва улар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563-сонли қарорига асосан 2020 йилда умумий қиймати 72,3 млрд долларни ташкил қилувчи 878 та лойиҳа бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши устидан доимий мониторинг ва назорат ўрнатилди.

2020 йилда умумий қиймати 10,5 млрд долларлик 197 та ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, 38 508 та янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисоб палатаси тижорат банклари томонидан хорижий банклар ва халқаро молиявий институтларнинг кредит линияларини жалб қилиниши, шу жумладан инвестиция дастури доирасида белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳолати юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

6.2. Давлат қарзини самарали бошқариш ва жалб қилинаётган қарзлардан мақсадли фойдаланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда 2010-2019 йилларда якунланган умумий қиймати 12,6 млрд долларлик 81 та лойиҳаларни ҳолати вазирлик ва идораларни тақдим этган маълумотлари ҳамда статистик кўрсаткичлар асосида масофавий таҳлил қилинди.

Мазкур лойиҳалар бўйича амалда 11,5 млрд доллар (умумий қийматга нисбатан 91 фоиз) миқдоридаги маблағлар сарфланган бўлиб, шундан 7,1 млрд доллар (92 фоиз) давлат ташқи қарз маблағлари жалб этилган.

Мазкур лойиҳалар 18 та вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари масъуллигида амалга оширилган бўлиб, 9 691 та янги иш ўринлари яратилган.

Таҳлилларда давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилган 24 та лойиҳаларда муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, 16 та лойиҳада белгиланган муддатлардан кечикиш, 5 та лойиҳада ишларни якунига етказмаслик ҳамда 14 та лойиҳани тўлиқ қувватда ишламаслик ва бошқа муаммолари мавжудлиги маълум бўлди.

Айрим масъуллар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги) томонидан лойиҳалар ҳолати ва самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши бўйича мониторинглар олиб борилмаган, муаммоли масалалар ва уларни ҳал этиш юзасидан етарли чоралар кўрилмаган.

Жумладан, ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилган 16 та лойиҳалар бир неча йилгача кечиктириб фойдаланишга топширилган.

Ушбу лойиҳалар бўйича 1 085,5 млн доллар миқдорида ташқи қарз маблағлари жалб қилиниши кўзда тутилган. Амалда 855,8 млн доллар ёки 79 фоиз маблағлар ўзлаштирилган.

Лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган муддатларни бир неча марта узайтирилишига асосий сабаб маблағларни белгиланган муддатлардан кечикиб ўзлаштирилиши бўлган.

Жумладан, М39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳаси (96,47 км) Ислон тараққиёт банкининг 125,3 млн доллар маблағини жалб қилган ҳолда 2014 йилда яқунланиши белгиланган.

Йўл-қурилиши техникаларини ўз вақтида мобилизация қилинмаганлиги ҳамда материалларни етказиб беришдаги узилишлар сабабли муддат 4 марта узайтирилган ва лойиҳа 5 йилга кечиктириб амалда 2019 йилда фойдаланишга топширилган.

Фарғона, Марғилон, Риштон, Қўқон ва Андижон шаҳарларининг сув ва оқава сув тизимини такомиллаштириш лойиҳаси Осие тараққиёт банкининг 133,5 млн доллар маблағини жалб қилган ҳолда 2015 йилда яқунланиши белгиланган.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ҳамда савдоларни қайтадан ўтказилиши натижасида лойиҳа 27 ойга кечиктириб, 2018 йил март ойида яқунланган.

Шунингдек, таҳлиллар даврида ортда қолаётган лойиҳалар ўрганилганда, умумий қиймати 860,2 млн долларлик 5 та лойиҳа бўйича ҳақиқатда ўзлаштирилган ташқи қарз маблағлари 526 млн долларни ташкил этиб, ҳисоботлар яқунланганлиги қайд этилган ушбу лойиҳалар масъул идора ва хўжалик бирлашмалари томонидан амалда якунига етказилмасдан қолаётганлиги маълум бўлди. Жумладан,

1. “Ўзкимёсаноат” АЖни умумий қиймати 817,4 млн доллар, шундан Хитой Эксимбанкнинг 498,9 млн доллар миқдоридagi кредитларини жалб қилган ҳолда амалга оширилган 3 та лойиҳа тўлиқ якунига етказилмаган.

Масалан, икки босқичдан иборат Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш лойиҳаси бўйича давлат кафолати остида 151,5 млн доллар миқдорида қарз маблағлари жалб қилинган бўлсада, пудратчи (Россия) томонидан тоғ-кон мажмуасида лойиҳадаги осма юк канат йўли ишоотлари ва юқори кучланишли электр линияси қурилмаган ҳамда пудратчининг 2018 йилда банкрот деб эълон қилинганлиги сабабли лойиҳа якунига етмаган.

Натижада, йиллик калийли ўғит ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 314,5 минг тоннани ёки лойиҳа қувватига нисбатан 52 фоизни ташкил этган, маҳсулот сотишдан йиллик тушум режага нисбатан 18 фоизни, белгиланган экспорт кўрсаткичи 18,2 фоизни ташкил этган ва соф тушумлар режага нисбатан қарийб 4 баробарга камайган.

Умумий қиймати 500,1 млн доллар эквивалентидаги 2019 йил якунида фойдаланишга топширилган “Навоийазот” АЖда ПВХ, каустик

сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳаси тўлиқ қувватга чиқмаган, қурилиши якунланган бўлсада, метанол блогида созлаш ишлари муддатидан кечикканлиги сабабли ишга туширилмаган, шунингдек, таркибида симоб бўлган оқава сувларни биокимёвий тозалаш ускуналарини ишга тушириш ишлари якунланмаган.

Натижада, 2020 йилни 1 ярим йиллигида поливинилхлорид (100 минг тонна) ва каустик сода (75 минг тонна) ишлаб чиқаришни йиллик режаси мос равишда 18 ва 23 фоизга бажарилган, соф тушумларни йиллик режаси 10 фоизга, йиллик соф фойда эса бор-йўғи 1 фоизга бажарилган.

2. “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан умумий қиймати 30,4 млн доллар бўлган Миллий географик ахборот тизимини яратиш лойиҳаси Корея иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт жамғармасининг 14,5 млн доллар маблағларини жалб қилган ҳолда 2018 йил 1 ярмида якунланган, 2 йил тизимни техник қўллаб-қувватлаш ва тажрибавий эксплуатация даври амалга оширилган.

Қарз келишуви бўйича ўз вақтида юридик хулоса олинмаганлиги ҳамда консултант ва пудратчи ташкилотни аниқлаш учун тендер жараёнлари чўзилганлиги сабабли, лойиҳа ўз муддатида якунланмаган, масъуллар томонидан лойиҳа бўйича амалга оширилган ишларни экспертизадан ўтказиш ва фойдаланишга топширилиши таъминланмаган, лойиҳадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Корея Ҳукуматининг 27 млн доллар миқдорига қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси бўйича амалда 12,5 млн доллар ўзлаштирилган бўлсада, пудратчи компания (Корея Республикаси) билан тузилган шартнома бўйича 462 та пайвандлаш аппаратлари носоз ҳолда етказиб берилган.

Лекин, ускуналар таъмирлаш шarti билан 2011 йилда коллежларга тарқатилган бўлиб, амалда эса етказиб берувчи томонидан носозликлар бартараф этилмаганлиги, лойиҳанинг биринчи босқичи якунига етмаганлиги сабабли, иккинчи босқичи бошланмаганлиги, натижада лойиҳа бўйича кутилган самарага эришилмаганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, 14 та муаммоли лойиҳалар мавжудлиги маълум бўлди.

Масалан, Хитой Эксимбанкнинг 156,4 млн доллар маблағларини жалб қилган ҳолда Ангрен ЭИЗ ҳудудида конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси 2018 йил июль ойида фойдаланишга топширилган.

Йиллик 3 млн дона автомобиль шиналари, 200 минг дона қишлоқ хўжалиги техникалари шиналари ва 100 минг погонметр конвейер ленталарини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлса, ҳақиқатда 2020 йилнинг I ярмида 176,2 минг дона автомобиль шиналари (йиллик қувватга нисбатан 6 фоиз) ва 15,4 минг погона метр (15 фоиз) конвейер ленталари ишлаб чиқарилган.

Натижада, корхона 2019 йилда 89,8 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган ва ишлаб чиқариш қувватини 70 фоизга чиқариш ўрнига 15 фоиз қувватда ишлаган.

Маҳсулот ички бозорда рақобатбардош эмаслиги ва автомобиль шиналари GM компанияси стандартларига кўра омологациядан (сертификатлашдан) ўтказилмаганлиги сабабли, корхона омборларида 100 минг дона автомобиль шиналари, 6,3 минг дона қишлоқ хўжалиги техникалари шиналари ҳамда 13,4 минг погонметр конвейер ленталари қолдиғи мавжуд.

Ваҳоланки, Ўзбекистонга 2019 йилда 69,9 млн долларлик 4 684,4 минг дона, 2020 йилнинг 7 ойида 33,7 млн долларлик 1 905,8 минг дона енгил автомобиль шиналари импорт қилинган.

“UzAuto Motors” АЖ томонидан ушбу даврда мос равишда 1 099,7 минг дона (31,9 млн доллар) ва 881,3 минг дона (24,1 млн доллар) шиналар импорти амалга оширилган.

Айланма маблағларнинг тақчиллиги натижасида кредит фоизлари бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли, муддати ўтган қарздорлик учун банк ҳисоб рақамига тўлов талабномаси қўйилиб, ишлаб чиқариш учун зарур тўловларни амалга ошириш имконияти чекланган.

Натижада, корхона 2019 йилни зарар билан яқунлаган ҳамда давлат кафолати остида жалб қилинган кредитлар бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли муддати ўтган қарздорлик юзага келган.

Корхона 2021-2035 йилларда Хитой Эксимбанкнинг қарз маблағлари бўйича йиллик ўртача 13-14 млн доллар миқдорида асосий қарз ва фоизларни сўндириши керак.

Корхона ҳудудида 4,88 гектар бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланилмаяпти.

Ҳисоб палатаси томонидан пандемия шароитидан келиб чиқиб, юқоридаги ҳолатларни танлов асосида жойига чиққан ҳолда ўрганиш ишлари ташкиллаштирилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, лойиҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлардан иборат таҳлилий маълумотлар Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрациясига ва Олий Мажлиси палаталарига киритилди.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги “Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси билан молиявий ҳамкорликда “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1614-сонли ва 2014 йил 29 майдаги “Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Саломатлик-3” лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2182-сонли қарорларига асосан Жаҳон банкининг 115,3 млн доллар миқдоридagi қарз маблағларини жалб қилган ҳолда 2012-2019 йилларда амалга оширилган “Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш (Саломатлик-3)” лойиҳаси ўрганилди.

Лойиҳа доирасида тиббиётнинг қуйи бўғини учун 474,3 минг дона тиббий жиҳозлар харид қилинган бўлиб, ўрганишларда келтирилган жиҳозлар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мониторинг ва назорат ҳамда улардан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Лойиҳа ҳужжатини шакллантиришдан то жиҳозларни харид қилиш ва улардан самарали фойдаланишгача бўлган барча босқичларда қонунбузилишларга йўл қўйилиб, мақсадсиз ва ортиқча сарфланган.

Жумладан, лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқишда 21 турдаги жиҳозлар бўйича экспертиза натижалари инобатга олинмасдан, юқори нархларни киритиш орқали лойиҳа қиймати оширилган, муассасаларни жиҳозлаш меъёрларига нисбатан 103 турдаги ускуналар лойиҳага ортиқча киритилган, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатига ўзгартириш киритиш ваколоти бўлмайд туриб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лойиҳадаги тиббий жиҳозлар рўйхатини асоссиз ўзгартирилган ва лойиҳада кўзда тутилмаган муассасаларга лойиҳа доирасида харид қилинган буюмларни бериб юборилиши натижасида қуйи тиббиёт бўғинини жиҳозлаш режаси бажарилмаган.

Масалан, экспертиза хулосасини инобатга олмасдан ультратовуш диагностика ускунасини қиймати лойиҳага 2 баробар қиммат нархда киритилиб ортиқча режалаштирилган.

Лойиҳада кўзда тутилган 41 турдаги жиҳозлар харид қилинмасдан қолган бўлса, 64 турдаги жиҳозлар лойиҳада кўзда тутилган режага нисбатан ортиқча харид қилинган.

Хусусан, 418 та ректоскоп ускуналарини комплектациялари тўлиқ харид қилинмаган, улардан бугунги кунда фойдаланилмайди, шундан 221 таси режага нисбатан ортиқча олинган.

Қиймати 117,7 мингта жиҳозлар лойиҳада кўзда тутилмаган муассасаларга бериб юборилиши натижасида қуйи тиббиёт бўғинини жиҳозлаш режаси бажарилмаган.

Масалан, режага нисбатан 3 389 та компьютер жиҳозлари ортиқча харид қилиниб, лойиҳада кўзда тутилмаган, жумладан давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган муассасаларга тарқатилган.

Жиҳозларни муассасаларга етказиб бериш хизматлари бўйича манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ва нархлар юқори киритилиб, Давлат бюджетидан ортиқча сарфланган, 73 турдаги жиҳозлар узоқ муддат (3 йилгача) муассасаларга тарқатилмасдан омборларда туриб қолган.

Бундан ташқари, жойлардаги ўрганишлар 4 126 та жиҳозлардан ўрганиш даврида самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилаётганлигини кўрсатди.

Жумладан, 3 271 та жиҳозлар ўрганиш даврига қадар ўрнатилмаганлиги, бут ҳолатда келтирилмаганлиги, эҳтиёж йўқлиги, мутахассис ва реагентлар етишмаслиги сабабли фойдаланилмаган, 855 та жиҳозлардан санитария меъёрлари ва фойдаланувчи ходимларга қўйилган малака талаблари бузилган ҳолда ёки паст қувватларда фойдаланилган.

Жиҳозлар учун бутловчи қисм ва реагентлар етказиб бериш ҳамда носоз жиҳозларни тезкор таъмирлаш тизими тўғри йўлга қўйилмаган.

Хусусан, 1 052 дона жиҳозлар носоз ҳолатда бўлсада, 10 та худудда, жумладан Хоразм (310 дона), Самарқанд (149), Сурхондарё (79) вилоятларида уларга 2020 йилда сервис хизматлари кўрсатилмаган.

Ҳисоб палатаси томонидан амалий ёрдамлар кўрсатиш натижасида, 638 та жиҳозларни ишга туширилиши ва 752 тасини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетлардан 4,5 млрд сўм қўшимча маблағ ажратилиши таъминланди.

Ўрганиш натижаларига кўра, камчиликларни бартараф этиш ва келгусида лойиҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Аниқланган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ҳисоб палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, уларни бартараф қилиш юзасидан республика ва ҳудуди ишчи гуруҳлари тузилган ҳолда баённома расмийлаштирилди ҳамда унинг ижроси назоратга олинди.

Таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига киритилди.

6.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2020 йилларда Яшнобод туманига ташрифлари давомида белгилаб берган топшириқлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

2017-2020 йилларда Давлат Раҳбари томонидан Яшнобод туманига 2 маротаба ташрифлар амалга оширилиб, жами 146 та топшириқлар белгиланган.

Ташриф баёнларида 7,5 трлн сўмлик 90 та янги лойиҳани амалга ошириш ва 9 894 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳалардан 65 таси жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида ташриф баёнидаги 3 та топшириқ ижросини таъминлаш чоралари кўрилиб, 9 та лойиҳага жами 13,4 млрд сўм ва 714 минг долларлик кредитлар ажратилиши ҳамда 15 млн евро кредит линиясини очилиши таъминланди.

6.5. Тошкент вилоятида инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилиши белгиланган лойиҳалар, Олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича тасдиқланган “Йўл харита”ларига киритилган инвестиция келишувлари ҳамда ҳудудий ташрифларда тасдиқланган лойиҳаларни 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижро ҳолати, шунингдек, вилоятда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари таҳлил қилинди.

Тошкент вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4563-сонли қарори ва вилоятга амалга оширилган ташрифлар давомида умумий қиймати 103,7 трлн сўмлик 909 та лойиҳалар амалга оширилиб, ушбу лойиҳалар доирасида 45 569 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Ўрганиш натижаларига кўра қиймати 233 та лойиҳаларни амалга оширилиши ортда қолаётганлиги, шундан 126 та лойиҳаларни ўзлаштиришда кечикишлар борлиги, 107 та лойиҳани амалга оширилмаётганлиги, шу жумладан 50 та лойиҳаларни истиқболсиз деб топилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги ташрифлари яқунлари бўйича тасдиқланган “Йўл харита”ларига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган 30 та инвестиция келишувлари ижроси ўрганилганда, қиймати 7 та (23 %) келишувларнинг ижроси белгиланган муддатлардан кечиктириб амалга оширилаётгани, 14 та (46,6%) келишувларнинг ижроси тўхтаб қолганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги сабабли 5 та инвестиция лойиҳаси ижроси бошланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сонли қарорига асосан вилоятда 2019 йил давомида қиймати 138 млрд сўмлик 41 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, 2019 йилда 39 та лойиҳа ишга тушган ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида режага нисбатан 124,4 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлсада, 2 та лойиҳани ишга туширилиши таъминланмаган.

Вилоятда маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда 2019 йилда 9 та ҳолатда, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида 6 та ҳолатда импорт қилинган маҳсулотлар суммаси чегирилмасдан, ҳисоботларда маҳаллийлаштириш даражаси ошириб кўрсатилган.

Натижада, тақдим этилган ҳисоботларда маҳаллийлаштириш даражаси 2019 йилда 48,6 фоиз ўрнига 67,7 фоиз, 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида 51 фоиз ўрнига 56 фоиз этиб ошириб кўрсатилган.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган маҳсулотларга ўхшаш ва қиммат нархда маҳсулотлар импорт қилинган.

Ўрганиш давомида Ҳисоб палатаси томонидан 5 та лойиҳа бўйича, жумладан, импорт контрактларини комплекс экспертизадан ўтказиш, ғишт ишлаб чиқариш учун лицензия олиш ва тижорат банкларидан кредит ажратишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Умумий қиймати 4,5 трлн сўмга тенг ва 4 448 та янги иш ўринларини яратилиши кўзда тутилган жами 50 та истиқболсиз лойиҳалар ўрнига қиймати 4,6 трлн сўм ва 4 621 та янги иш ўринларини яратишга қаратилган 62 та ўриндош лойиҳалар таклифи ишлаб чиқилди.

Олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича тасдиқланган “Йўл харита”ларидаги хорижий ҳамкорлар томонидан рад этилган ва рентабелсиз деб топилган истиқболсиз лойиҳалар ўрнига Ҳисоб палатаси томонидан вилоят ҳокимлиги ва ташаббускорлар билан биргаликда 465,6 млн доллар қийматдаги 16 та альтернатив истиқболли лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Барча киритилган альтернатив лойиҳалар жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, улардаги мавжуд муаммоларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилди.

6.6. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан инвестиция лойиҳаларига қўшимча маблағларни ўз вақтида ажратилиши, мақсадли сарфланиши ва ишга туширилиши бўйича назорат ўрнатилди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан жами 495 та объектларга 3,6 трлн сўм ажратилиши белгиланган.

Жамғарма ҳисобидан тиббиёт ва карантин муассасаларини қурилишида бажарилган ишлар далолатномасига қурилиш материаллари, жиҳоз ва ускуналарни қиммат нархларда киритилган, меъёрий харажатларни нотўғри ҳисобланиши натижасида қурилиш-монтаж ишлари ортиқча киритилгани ва сифатсиз бажарилгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, пудратчилар томонидан солиқ органларига қўшилган қиймат солиғи ҳисоботларида иш ҳажмини камайтириб кўрсатилиши натижасида қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан қолганлиги маълум бўлди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Жумладан, ортиқча молиялаштирилган, аниқланган камомад ва ноқонуний харажатлар жамғармага қайтарилди, асоссиз бошқа ташкилотларга бериб юборилган тиббий жиҳозлар тегишли тиббиёт муассасаларига ўтказиб берилди ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган асосий воситаларни белгиланган тартибда кирим қилиши таъминланди.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарори билан тасдиқланган 2020 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг “коронавирус пандемияси” давридаги ижроси таҳлили қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар ташаббускорлигида амалга оширилаётган умумий қиймати 72,3 млрд долларни ташкил қилувчи 878 та лойиҳа бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши, шундан қиймати 10,8 млрд долларлик 206 та лойиҳа ишга туширилиши бўйича юзага келаётган муаммолар ва рисклар ўрганилди.

Ўрганиш давомида 454 та лойиҳа бўйича йиллик ўзлаштириш прогноз кўрсаткичлари ўзгариши мумкинлиги аниқланиб, киритилган барча ўзгаришларни инобатга олган ҳолда 2020 йилда жами 979 та лойиҳа бўйича ўзлаштирилиши ва тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан кам бажарилиши ҳисоб-китоб қилиниб, таклифлар киритилди.

6.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокида «Хоразм вилояти Тошсокин тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1849-сонли ва 2015 йил 24 мартдаги “«Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2324-сонли қарорларининг ижроси юзасидан

лойиҳаларни бажарилиши Сув хўжалиги вазирлигининг тизим ташкилотларига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганишда, Жаҳон банки маблағлари ҳисобига “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳаси бўйича 5 йил давомида 17% маблағларни ўзлаштирилганлиги, ишларнинг физик кўрсаткичлари бўйича бетонлаш ишлари 14,4%, тупроқ ишлари 27,7% бажарилганлиги ва белгиланган ишлар 2 йилга кечикканлиги аниқланди.

Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилояти тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” лойиҳаси доирасида 9 йил давомида 74,5 фоиз ўзлаштирилган, ишларнинг физик кўрсаткичлари 81 фоиз ва гидротехник иншоотларни қуриш ишлари 66 фоизга бажарилган.

Мутасадди вазирликлар ва идоралар, пудрат ташкилотлари иштирокида лойиҳалардаги кечикишлар ва мавжуд муаммолар танқидий муҳокама қилиниб, натижаси бўйича “Йўл хариталари” тасдиқланди.

6.9. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар Тошкент вилоятида ўрганилди.

Ўтказилган ўрганишда 10 та туман ва шаҳарлардаги 14 та объект фойдаланишга топширилганлиги қайд этилган бўлсада, ҳақиқатда ушбу объектлар тўлиқ ишга туширилмаганлиги натижасида 12 мингдан ортиқ хонадонларга тоза ичимлик суви етказиб берилмаётганлиги аниқланди.

Масалан, ушбу объектлар бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш ишлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Паркент, Ўртачирчиқ, Пискент туманларидаги ичимлик суви объектларида сув минораси лойиҳа бўйича баланд ҳудудга ўрнатилиши лозим бўлсада, белгиланган лойиҳага зид равишда бошқа пастки ҳудудга ўрнатилган. Натижада, 100 дан ортиқ хонадонга сув чиқмай қолган.

“Тошкент сув таъминоти” жамияти бир вақтнинг ўзида ичимлик суви объектларидан фойдаланувчи ва Давлат қабул қилиш комиссияси аъзоси бўлсада, ичимлик суви объектлари бўйича қурилиш ишларида бош пудратчи этиб айнан ушбу сув таъминоти корхонаси белгиланган.

Бунда, манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ томонидан ўзи бош пудратчи бўлган объектларни холисона ва ҳаққоний баҳолаган ҳолда қабул қилиш жараёнларида тўсқинликлар бўлиш эҳтимоли юқори.

Ўрганишда юқоридаги объектларда фойдаланилган ичимлик суви ва сув қувурлари лаборатория синовларидан ўтказилганда барча олинган сув қувурлари намуналари таркибидаги формальдегид моддаси

белгиланган меъёрдан 17 дан 213 баробаргача юқорилиги, яъни истеъмомлга яроқсизлиги, Паркент ва Пискент туманларидаги ичимлик суви намуналарини умумий қаттиқлиги белгиланган кўрсаткичлардан юқорилиги аниқланди.

Мазкур таҳлиллар натижасида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига таклифлар киритилди.

6.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги “2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2661-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан “Худудий электр тармоқлари” акционерлик жамиятида ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизими корхоналари томонидан 2018 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорида белгиланган тартиб ва талабларга риоя қилмаган ҳолда, контрактларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан экспертизадан ўтказмасдан ижро этилган.

2017 йилнинг сентябрь-февраль ойларида қиммат нархларда харид қилинган трансформаторларга, тизим эҳтиёжларига бошқа товарларни харид қилишда ортиқча харажатларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2661-сонли қарори билан тасдиқланган Дастур ижроси доирасида ажратилган маблағлардан республика бўйича маблағлар асоссиз сарфланганлиги, харид қилинган товар-моддий бойликлар белгиланган стандартлар талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, таянч устунлар ва траверсларни хўжалик усулида ишлаб чиқариш имкониятини тўлиқ ишга солиш орқали 2020-2021 йилларда бажариладиган ишлар қийматини мақбуллаштирилиш имкониятлари аниқланди.

Дастур ижросини молиялаштириш манбаларидан бири сифатида “Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарни 2015-2021 йиллардаги дивидендлари кўрсатилган бўлсада, Тошкент шаҳар худудий электр тармоқлари корхонасининг 2017 йил ва 2018 йил якунларида ҳисобланган дивидендларни Дастур ижросига йўналтириш чоралари кўрилмаган.

Республика бўйича 506 та эгасиз электр тармоқлари объектларини ўз вақтида “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимидаги корхоналар балансига қабул қилинмаслиги натижасида 2017-2019 йилларда техник йўқотишларга ортиқча электр энергия сарфланган.

2017-2021 йиллар туман ва шаҳарлардаги паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш тўғрисидаги Дастурда белгиланган 2017-2019 йилларда амалга ошириладиган параметрлар ижроси электр узатиш тармоқлари бўйича 29 фоизга, трансформатор пунктлари бўйича 52 фоизга бажарилган бўлиб, Дастурнинг ижроси белгиланган муддатлардан ортда қолган.

Бундан ташқари, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг электр узатиш тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш бўйича идоравий режаси 2017-2019 йилларда 51 фоизга, трансформатор пунктлари бўйича эса 62 фоизга бажарилган.

2017-2019 йиллар давомида барча қурилиш объектлари давлат қабул қилиш комиссияси ўрнига идоравий комиссиялар томонидан қабул қилингани, электр энергияни узатишда йўқотишлар паст даражада камайгани ҳамда авариявий ўчиришлар сонини кескин камайишига эришилмаганидан келиб чиқиб, Дастур доирасидаги “Худудий электр тармоқлари” АЖга юклатилган вазифалар доирасида жамият томонидан ишларни самарасиз ташкил этилган деб баҳоланди.

6.11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 12 мартдаги Қарорига асосан мамлакатимизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарининг республика вазирлик ва идоралари, худудлар ва тармоқлар билан ҳамкорлиги жараёнида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш бўйича Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ шакллантирилди.

Ушбу ишчи гуруҳлар томонидан лойиҳаларни ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, маълумотлар базасини шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Германия, Франция, Туркия давлатларига олий даражадаги ташрифлар доирасидаги “Йўл харита”ларида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликлар мавжудлиги жумладан, тасдиқланган 5 та “Йўл хариталарида умумий қиймати 14,8 млрд долларлик 210 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, амалда қиймати 5 млрд долларлик 35 та лойиҳалар амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Таҳлиллар натижалари, Олий Мажлис Сенатида масъуллар иштирокида муҳокама қилинди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

VII. Солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

7.1. Ҳисоб платаси томонидан 2020 йилда олиб борилган назорат тадбирлари давомида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, 12 та йўналишда жами 334 та таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда тегишлилиги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ахборот тизимларини такомиллаштириш юзасидан ваколатли ташкилот ва идораларга юборилди.

Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ёки амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан 43 та, ички идоравий ҳужжатлар ҳамда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан 11 та, бюджет тизими бюджетлари харажатларини оптималлаштириш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан 7 та, бюджет ва мақсадли жамғармаларга тушумларни ундирилишини таъминлаш юзасидан 24 та таклифлар тегишлилиги бўйича ваколатли ташкилот ва идораларга юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар бюджетлари даромадларини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, қонун ҳужжатларини, солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштиришга доир 21 та таклифлар берилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ органи раҳбари томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга, суд қарори билан ўн кундан кўп муддатга солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланган.

Олиб борилган таҳлилларда банк операцияларини тўхтатиш муддати 10 кундан кўп бўлган ҳолларда суд қарори мавжуд бўлмаса, банклар томонидан солиқ органининг қарорларини бажаришни давом эттириш ёки эттирмаслик Солиқ кодексида аниқ белгиланмаганлиги сабабли, 2020 йилнинг 9 ойи давомида солиқ органлари томонидан 7 483 та субъектларнинг банк операциялари суд қарорларисиз 10 кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйилганлиги маълум бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг банк операцияларини асоссиз тўхтатиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида Ҳисоб палатаси томонидан солиқ органи қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддатда судга илтимоснома билан мурожаат этмаган ва бу ҳақда тижорат банкини

хабардор қилмаган тақдирда, солиқ тўловчининг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатмаслик тартибини белгилаш таклиф этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сонли қарори билан ушбу таклифни амалда қўлланилиши белгиланди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида бюджет маблағларини тақсимловчиларга расмий веб-сайтларига ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни жойлаштириб бориши белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳада ва амалдаги қонун ҳужжатларида айнан қандай маълумотларни жойлаштирилиши лозимлиги таклиф этилди ва қонунда ушбу рўйхат киритилди.

Шу билан бирга, киритилган таклифларимиз асосида Ўзбекистон Республикасининг Бюджет ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунига ҳам Ҳисоб палатасининг ваколатлари вазифалари, функцияларини аниқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ҳисоб палатасининг қонуний талаблари, шу жумладан қонун ҳужжатларига риоя этиш, ҳужжатларни, назорат материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассислар ажратиш, қонун ҳужжатларини бузганлик фактлари бўйича ҳозир бўлиш ва тушунтиришлар бериш тўғрисидаги талаблари барча давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгиланганлигини ҳисобга олиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215²-моддасида ушбу мажбуриятларни бажармаганлик учун мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилишини белгиловчи ўзгартириш киритилди.

7.2. Молиявий интизом ва назоратни кучайтириш, бюджет даромад ва харажатлари натижадорлиги бўйича Қашқадарё вилоятида ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда асосий эътибор - коррупцион ҳолатларни келтириб чиқараётган асл сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқишга қаратилди.

Вилоятдаги қонунбузилишлар асосан, давлат хариди қоидаларини четлаб ўтиш ва бюджет маблағларини талон-тарож қилиш, яширин иқтисодий фаолият орқали ноқонуний даромад олиш, энергия ресурслардан ноқонуний фойдаланиш ва пора олиш ёки мансабни суистеъмол қилиш ҳолатларига тўғри келган.

Молиявий назорат органлари томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида ижтимоий соҳадаги 1 945 та муассасадан 333 таси (17%) ўрганилганда молиявий хатолар, самарасиз харажатлар ва талон-тарожликлар аниқланган.

Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши ва Яккабоғ туман халқ таълими бўлимларида иш ҳақини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилмасдан вилоятда 15 та туман ва шаҳарларда харидлар амалга оширилган.

Тоза ичимлик суви таъминоти учун 10 та объектда жиддий камчиликлар мавжудлиги ва аҳолига ичимлик суви тўлиқ етиб бормаганлиги аниқланди.

Ишчи гуруҳи томонидан икки кун давомида ўрганилган 8 та субъектнинг 5 тасида яширин иқтисодий фаолият юритгани, 34 та объектдан 10 тасида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш натижалари халқ депутатлари вилоят Кенгашида барча фаоллар ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди.

Муҳокама якунида коррупцияни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш, амалиётда замонавий ахборот технологиялари кенг қўллаш орқали инсон омилини камайтириш ҳамда бюджет қонунчилигидаги айрим нормаларга тегишли ўзгартиришларни киритишга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

VIII. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

8.1. Давлат бюджетининг 2019 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига асосан тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрларини ижро қилиниши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни бюджет даражалари ўртасида қайта тақсимлаш ваколоти берилган.

Бироқ, олиб борилган таҳлилларда тегишли маҳаллий бюджетларни 2019 йилдаги ижроси жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда солиқсиз тушумларнинг (йиғимлар, давлат божи, жарималар ҳамда бошқа даромадлар) ажратмаларини бюджет даражалари ўртасидаги тақсимоти акс этмаганлиги маълум бўлди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида 4 тадан, Сирдарёда 3 та, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 2 тадан даромад турларини тақсимоти халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда кўрсатиб ўтилмаган.

Натижада, ҳудудий молия ва ғазначилик идоралари томонидан ажратма меъёрлари асоссиз тақсимот қилинган.

Бюджет кодексининг 27, 143-моддаларига асосан тасдиқланган бюджет параметрларига ўзгартиришлар киритиш ҳудудий халқ депутатлари Кенгашлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлсада, Жиззах вилоят ҳокимининг 2019 йил 31 декабрдаги 451-сонли қарорига асосан вилоятнинг даромад ва харажатлари фақат Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда оширилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ташқи аудити ва баҳолаш натижалари бўйича Ҳисоб палатасининг хулосаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

8.2. Андижон вилоятида вилоят маҳаллий бюджети ва туман (шаҳар)лар бюджетларининг ижроси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятларини бажарилиши ўрганилди.

Таҳлиллар олиб борилган даврда Андижон вилоятида 21 та тиббиёт муассасалари ва 7,9 минг км автомобиль йўллари таъмирталаб, аҳолининг 14 фоизи ичимлик суви, 97 фоизи канализация хизмати билан таъминланмаган бир пайтда, қўшимча манбалар ҳисобидан манбасиз ва самарасиз харажатларга йўл қўйилган.

Маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисмини шакллантиришда қонунчиликка зид равишда солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўловларнинг ошган қисми чегирилмагани натижасида, қўшимча манбалар ортиқча ва нотўғри шакллантирилиб кейинчалик харажатлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига бюджет ташкилотларида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган штат нормативларидан ортиқча штат бирликлари киритмасликни таъминлаш юклатилган.

Андижон вилояти ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларида қўшимча манбалар ҳисобидан ортиқча штат бирлиги сақланиб маблағ сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарорига асосан туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга молиялаштирилиши белгиланган бўлсада, Андижон вилоятида ушбу тартиб асосида маблағлар йўналтирилмаган.

Андижон вилояти бўйича фуқаролардан ахборот порталига 2019 йил 1-чорак якуни билан атиги 169 та, 2-чорак якуни билан 366 та, 3-чорак якуни билан 1 135 та, жами 1 135 та таклифлар келиб тушган.

2019 йилнинг 1-чорак якунига кўра Хонобод шаҳри, Асака, Шаҳрихон, Хўжаобод туманлари бўйича, 3-чораги якунига кўра Улуғнор тумани бўйича фуқаролар томонидан биронта таклиф олинмасдан қўшимча манбалар

сарфланган бўлса, Асака, Жалақудуқ, Олтинқўл, Қўрғонтепа туманлари бўйича энг кўп таклифлар келиб тушган автомобиль йўлларини таъмирлаш тадбири учун умуман маблағлар ажратилмаган.

Ўрганилган даврда харидлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун ва соғлом рақобат талаблари бузилган ҳолда амалга оширилиб тўғридан-тўғри шартномалар тузилган ва бунинг натижасида маҳсулот ва хизматлар қиммат нархларда харид қилинган.

Жумладан, 12 та ҳолатда харидлар қиймати сунъий равишда қисмларга бўлинган ҳолда амалга оширилган, 315 та ҳолатда харидлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига зид равишда тўғридан-тўғри ёки бир харид тури ўрнига бошқа харид тури орқали шартномалар тузилиб амалга оширилган.

Натижада, товар ва хизматларни харид қилишда бозор нархларига нисбатан юқори нархларда харидлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Андижон вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан амалга оширилаётган 24 та объектни лойиҳа-смета ҳужжатларига маҳсулотлар ва хизматлар қиймати қиммат нархларда ёки меъёрлардан ортиқча киритиш орқали объектларнинг қиймати ошириб кўрсатилганлиги аниқланди.

Ўрганиш яқунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси бошчилигида маҳаллий Кенгаш вакиллари ва ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди.

Ўрганиш яқунлари бўйича тайёрланган таҳлилий материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

8.3. Тошкент вилоятида вилоят маҳаллий бюджети ва туман (шаҳар)лар бюджетларининг ижроси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятларини бажарилиши ўрганилди.

Вилоятда 2018-2019 йилларда қўшимча манбалар миқдорини аниқлашда ортиқча тўланган солиқлар чегирилмаслиги натижасида манбасиз харажатларга йўл қўйилганлиги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақобат тўғрисида”ги Қонунлар талабларини бузган ҳолда харидлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Ушбу харидлар жараёнида рақобатга асосланган усулларни четлаб ўтиш орқали 57 та ҳолатда айни вақтда шу турдаги маҳсулотни Товар хом-ашё биржасида таклиф қилинган нархларга нисбатан қиммат баҳоларда харид қилинган ва ортиқча харажатларга йўл қўйилган.

Тошкент вилояти “Ягона буюртмачи хизмати” ИК томонидан Қуйичирчиқ тумани “Обод ва хавфсиз маҳалла” мажмуасини қуришда таъсисчиси битта жисмоний шахс бўлган 2 та талабгор ўртасида ўтказилган тендер асосида шартнома тузилган, қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига 69 та ҳолатда харажатлар ортиқча ва юқори нархларда киритилган, 6 та объектда бажарилмаган ишлар учун харажатлар ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер майдонлари олиб қўйилганлиги сабабли, бузилган турар жойлар учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 758 та ҳолатда ортиқча тўловлар амалга оширилган.

Жумладан, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олинмаган ҳамда бузилмаган 45 та турар ва нотурар жойлар эгаларига тўловлар асоссиз амалга оширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда 22 та фуқаронинг ўзбошимчалик билан қурилган, ҳудудий ҳокимликлар ёки Ҳукумат қарорларисиз ҳамда баҳолаш ҳужжатларисиз бузилган мол-мулклари учун тўловлар амалга оширилган.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан вилоят ҳокимлигига 50 млн Доллар миқдорида кредит ажратилиб, манзилли дастурларга асосан 395,1 млрд сўм маблағлар молиялаштирилган.

Ўрганиш яқунлари бўйича тайёрланган таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига киритилди ҳамда ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

IX. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик аҳамиятга молик хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш

9.1. Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон, қарор, фармойиш ва баёнларидаги топшириқлар ижросини назорат қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги Ф-5017-сонли фармойиши билан Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этилган.

Ягона идоралараро ижро интизоми тизими (“ijro.gov.uz”) дастурига уланган вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқарув органлари ва қуйи тизим ташкилотлари сони 232 тани ташкил қилди.

Ушбу Бошқарув органлари таркибидаги 4 000 дан ортиқ бўлинмалар тизимга онлайн уланган ва 29 000 дан ортиқ масъул ходимларга электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тизим орқали ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан кейин ижро интизомини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари бажарилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда топшириқлар ижроси юзасидан киритилаётган ахборотлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг котибиятлари “ijro.gov.uz” электрон тизимига уланди ҳамда уларга тегишлилиги бўйича вазирлик ва идоралар электрон тартибда бириктирилди.

Вазирлик ва идоралар томонидан киритилаётган ахборотларни “ijro.gov.uz” тизимида Вазирлар Маҳкамасининг котибиятлари томонидан кўриб чиқилиши ва тизим орқали мониторинг қилиш имконияти жорий қилинди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ижро учун масъул хизматлари томонидан топшириқлар ижроси бўйича ахборотларни “ijro.gov.uz” электрон тизимига киритиш ва хизматлар кесимида топшириқлар ижросини мониторинг қилиш имконияти йўлга қўйилди.

3. Ҳисоб палатасининг 2020 йил 13 февралдаги тегишли фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини бажаришда ижро интизомига риоя этилишини назорат қилиш шўъбасининг 9 нафар масъул ходимлари “ijro.gov.uz” электрон тизимига уланган 232 та давлат бошқаруви марказий идоралари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар кесимида топшириқлар ижроси таъминланишини назорат қилиш бўйича бириктирилди.

4. Администрация раҳбарининг 2020 йил 11 январдаги кўрсатмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатларини узайтириш бўйича киритилган мурожаатларни кўриб чиқишнинг мезонлари ишлаб чиқилди ва Ҳисоб палатасининг 2020 йил 13 февралдаги Р-25-сонли фармойиши билан тасдиқланди.

5. Ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича 217 та вазирлик ва идоралар раҳбарларининг буйруқлари қабул қилинди, 651 та масъул раҳбар ўринбосарлари, бошқарма (бўлим) бошлиқлари ва масъул ходимлар бириктирилди.

6. “ijro.gov.uz” электрон тизимида ижро муддати бўйича “огоҳлантирувчи назорат” календарь жадвал яратилди.

2021 йил 1 январь ҳолатига “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида 3 810 та ҳужжатдаги 51 870 та, жумладан 904 та Фармондаги 7 854 та, 1 911 та қарордаги 23 112 та, 716 та фармойишдаги 937 та ва 279 та йиғилиш баёнидаги 19 967 та топшириқлар киритилган ва ижроси назоратга олинган.

Масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар томонидан электрон тизимга киритилган ахборотларга кўра ижро муддати келган 39 861 та топшириқдан 39 343 таси бажарилган, қолган 518 та топшириқнинг ижроси ўз вақтида таъминланмаган.

2020 йилда Давлат раҳбарининг жами 796 та ҳужжати, яъни 257 та Фармон, 375 та қарор, 64 та фармойиш ва 100 та баён қабул қилинган.

Ушбу қабул қилинган ҳужжатлар асосида Ҳисоб палатаси томонидан “ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига 2020 йилда жами 15 518 та топшириқлар киритилди.

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижроси юзасидан масъуллар томонидан юборилган жами 65 042 та жавоблар ва уларга илова қилинган таҳлилий маълумотлар Ҳисоб палатаси томонидан ўрганиб чиқилиб, 44 527 та (68 фоизи) жавоблар қабул қилинди ва 20 515 та (32 фоизи) жавоблардаги ахборотлар етарли даражада асослантирилмаганлиги кўрсатилиб, рад этилди.

2020 йилда топшириқлар ижро муддатини узайтириш бўйича Ҳисоб палатаси томонидан масъулларни 617 та мурожаати кўриб чиқилди ва шундан, 299 та топшириқни ижро муддатини узайтиришга асос қилиб кўрсатилган масалалар топшириқни бажаришга фавқулодда тўсқинлик қилиш ҳолати ёки имкониятларни ҳақиқатда чегараланганлиги тўлиқ ўз исботини топмаганлиги учун рад қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижро ҳолати йил давомида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг йиғилишларида ва Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб борилди.

Бундан ташқари 2020 йилда 14 та манзилли ва 20 та тематик ўрганишлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларига ташрифига тайёргарлик жараёнида таҳлилий материаллар тайёрлаш, олдинги ташрифларда берилган топшириқларни ижро ҳолати ва ҳудудлардаги мавжуд муаммолар юзасидан таклифлар тайёрлашда фаол иштирок этилди.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг ташрифлари давомида берилган топшириқлар ижроси, уларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда мутасадди ташкилотларда бу борада юзага келаётган муаммоларни ечишда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жумладан, 2020 йил 2 октябрь куни Давлат Раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган баёнда берилган топшириқлар ижроси юзасидан 2020 йил ноябрь ойида Ҳисоб палатасининг Ишчи гуруҳи томонидан жами 7 та лойиҳа учун 6 млрд сўм тижорат банкларининг кредит маблағларини ажратилиши, 3 та лойиҳа бўйича ер майдонларини ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ташриф баёнига киритилган 2020-2022 йилларда амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларни хатловдан ўтказиб, амалга ошириш учун имкониятлари мавжуд, молиялаштириш бўйича манбалари аниқланган, ўз муддатларидан кечикиб амалга оширилиши хавфи мавжуд ҳамда истиқболсиз лойиҳаларни рўйхати шакллантирилди.

Истиқболсиз деб топилган лойиҳаларнинг ўрнига умумий қиймати 163,5 млрд сўмлик 70 та янги лойиҳаларни манзилли рўйхати шакллантирилди.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган баёнда тасдиқланган лойиҳалар доирасида 465 минг евро, 5,6 млрд сўм кредит маблағларини ажратилишида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, ер майдони ажратилиши муаммо бўлаётган лойиҳалар бўйича туман ҳокимликлари томонидан ер майдонларини ажратиш чоралари кўрилди.

2020 йилнинг август ойида Ҳисоб палатаси томонидан Тошкент вилоятида Давлат раҳбарининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини бажаришда ижро интизомига риоя қилиниши юзасидан ўрганиш ўтказилди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, ўрганишда даврида ижроси таъминланмаган 15 та топшириқларнинг бажарилмаслик сабаблари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини бажаришда ижро интизомига риоя қилмаслик ҳолати бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Тошкент вилояти ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, 4 та масъул ходимларга интизомий чоралар кўрилди.

2020 йилда олиб борилган таҳлилий ва тематик ўрганишлар яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 35 та, Вазирлар Маҳкамасига 4 та ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга 81 та маълумотлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижро интизоми учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланган.

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини ижроси жойларга чиққан ҳолда ўрганилганда аниқланган номувофиқликлар ҳамда топшириқларни ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилишини бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликка 77 та тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимномалар асосида 2020 йилда топшириқлар ижросини таъминлашда ижро интизомига риоя қилмаган 150 дан ортиқ масъулларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

9.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги ташрифлари ҳамда чет давлатлар раҳбарларининг республикамизга амалга оширган олий даражадаги ташрифлари яқунларига кўра хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан жами 44 та ҳамкорлик бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланган.

Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувлар ижросини мониторинг ва назорат қилишнинг янги механизми жорий қилинди, жумладан “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизимида visit.ijro.uz янги модуль яратилган бўлиб унга 202 та вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги 56 та дипломатик ваколатхоналари уланган ва улар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5565-сонли Фармонига асосан Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг реал ҳолати ўрганилди.

Жумладан, 2 845 млн долларлик 814 та инвестиция лойиҳалари бўйича ўрганиш ўтказилиб, шундан 40 та лойиҳаларнинг муддати кечикканлиги ва 32 та лойиҳалар амалга оширилмаганлиги аниқланди.

Муддати кечиккан ва амалга оширилмаган лойиҳаларни ҳар бири бўйича ижрочилар билан муҳокамалар олиб борилди ҳамда мавжуд муаммоларни ечиш чоралари белгиланди, истиқболсиз деб баҳоланган лойиҳаларни янги лойиҳаларга алмаштиришга кўрсатмалар берилди.

Х. Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш

10.1. Ҳисоб палатаси ва Марказий банк билан ҳамкорликда “Микрокредитбанк” АТБнинг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларидаги фаолияти ўрганилди.

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки 2006 йилда ташкил этилган (устав капиталининг 98 фоизи давлатга тегишли), ўрганиш кунда 71 та филиаллар орқали 226,3 мингта мижозларга хизмат кўрсатилиб, тизимда 2 855 нафар ходим фаолият юритиши маълум бўлди.

Молиявий ҳисоботларга кўра банк 2019 йилни соф фойда билан яқунлаган. Бироқ, ўрганиш натижаларига кўра тан олинмаган айрим харажатлар ва даромаддан чегириладиган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатда 2019 йил молиявий натижаси зарар билан яқунланганлиги маълум бўлди.

Масалан, 30.12.2019 йилда 11 та ҳолатда муаммоли кредитлар бўйича захиралар харажатдан чиқарилиб, соф фойда сунъий равишда оширилган.

Шунингдек, банк томонидан актив операциялар учун фоиз ва устамалар ҳисоблашдаги хато-камчиликлар оқибатида даромадлар ҳисобга олинмасдан қолган.

Иқтисодий меъёрларга амал қилиниши ва бошқа молиявий ҳолатлар таҳлил қилинганда, 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 28 та йирик кредитлар 1,5-3 йил муддатга ажратилган бўлса, улар учун банклараро ресурслар 1-3 ой муддатга жалб қилинган.

Мажбуриятлар ва активлар муддати ўртасидаги кескин номутаносиблик сабабли, келгусида ресурс тақчиллигини келиб чиқиш рисклари юқори бўлган.

Банк ликвидлигини бошқариш қониқарсиз йўлга қўйилганлиги оқибатида мажбуриятларнинг ликвидли активлар билан таъминланиши 2 баробарга (51,1 фоиздан 28,4 фоизгача) камайган.

Марказий банкнинг банк ликвидлиги, таваккалчилик даражаси ва валюта позицияси бўйича 4 та иқтисодий меъёрлари бузилган.

Кредитлаш амалиёти таҳлил қилинганда 17 та кредитларни ажратишда амалдаги қонунчилик ҳамда банк ички меъёрий талаблари бузилганлиги, жумладан, 1 та ҳолатда Кузатув кенгаши розилигисиз ва таъминотсиз, 5 та ҳолатда Банк Бошқаруви томонидан ваколат доирасидан чиққан ҳолда Кузатув Кенгаши қарорисиз кредитлар ажратилганлиги аниқланди.

Банк кредит портфелида суғурта полиси таъминоти билан ажратилган кредитлар миқдори 2019 йилда 5 баробарга, салмоғи 8,5 фоиздан 30,5 фоизга кескин ошган, аксарият ҳолларда суғурта ҳодисаси қарз олувчи банкрот деб топилганда юзага келиши белгиланган.

2019 йил якунида суғурталанган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлар сўндирилмаган.

Ўрганиш давомида аниқланган хато-камчиликларни бартараф этилиши таъминланди.

Банк фаолиятини соғломлаштириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Марказий банк ва Микрокредитбанк томонидан иккита “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

10.2. Ҳисоб палатасининг 2020 йилги назорат ишлари йиллик дастурига мувофиқ, республикада 2019 йил якунлари бўйича истеъмол нархлари индексининг шакллантирилиши юзасидан Давлат статистика қўмитасида ўрганиш ўтказилди.

Бунда, республикада истеъмол нархлари индексини шакллантириш методлари, кўрсаткичларни ҳисоблаш методлари, уларни халқаро методлар билан мувофиқликлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳисоб-китоблар Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Евростат, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Жаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти) қўлланма ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк билан келишилган услубий низом асосида юритилган.

Статистика органлари томонидан нархлар кузатувининг амалга оширилиши ва истеъмол нархлари индексларининг шакллантирилиши танланма равишда ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

- нархлар кузатуви учун Тошкент вилояти бўйича танланган 11 та шаҳар (туман) аҳолиси вилоятнинг 48,9 фоизини ташкил этиб, услубий низом бўйича белгиланган 55 фоизлик меъёрий талабга етмаган;

- кузатув давомида рўйхатдаги ҳар бир товар (хизмат) номлари бўйича шаҳар (туман)ларда 2-3 та, вилоят марказларида 5-6 та нарх олиниши белгиланган бўлсада, айрим ҳолларда товар нархлари белгиланган қамровда ўрганилмаган.

Масалан, суякли гўшт маҳсулоти Наманган вилоятининг 8 та туманида меъёрдаги 2-3 та объект ўрнига фақатгина 1 тадан объектда ва Наманган шаҳрида эса 4 та объектда кузатиб борилган;

- 2019 йил декабрь ойи бўйича умумий индексни ҳисоблашда фойдаланилган нарх кўрсаткичларининг шаклланиши Тошкент вилояти статистика бошқармасида ўрганилганда, 12 та товар позицияси бўйича тафовутлар аниқланди.

Жумладан, Тошкент вилояти статистика бошқармасида мавжуд маълумотларга кўра, 2019 йил декабрь ойида рўйхатга олинган помидор ўртача нархи 7 500 сўм бўлсада, Давлат статистика қўмитасида 7 000 сўм нархда ҳисоб-китоб қилинган.

Шунингдек, тухум, карам, 6 турдаги кийим-кечаклар, антибиотик дори воситалари, сартарошхона хизматлари нархлари бўйича ҳам бошқарма ва қўмита маълумотлари фарқ қилади.

Бундан ташқари, ҳудудий статистика бошқармалари томонидан нархлар кузатуви учун танланадиган савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларини таҳлил қилиш ва Давлат статистика қўмитаси билан келишиб олиш, кузатув рўйхатига янги турдаги товар (хизмат)ларни киритиш борасида услубий камчиликларга йўл қўйилган бўлиб, уларни бартараф этиш ва қоидаларни такомиллаштириш тавсиялари берилди.

2020 йилда нархлар кузатуви учун 78 та шаҳар ва туманлар танлаб олиниб, товар ва хизмат турлари 510 тага оширилган.

Ўрганиш натижаларига кўра республикада истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш методикаси ва амалиётини такомиллаштириш, статистика органлари ўртасида маълумот алмашинувининг аниқ ва шаффоф механизмини йўлга қўйиш йўналишларида аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

XI. Бошқа амалга оширилган ишлар.

11.1. Ҳисоб палатаси бошчилигида тузилган Ишчи гуруҳ томонидан “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг фаолияти ҳамда ҳудудларда ер участкалари ажратилиши борасида олиб борилаётган ишларни ҳолати ўрганилди.

Ўрганишда, ҳудудларда ер участкалари ажратишда жумладан аукцион савдолари орқали ер участкаларини сотиш жараёнларида бир қатор муаммолар мавжудлиги, белгиланган тартибга зид равишда ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган 18 231 та ер участкаларидан 871 таси (5 фоиз) ўрганилганда, 598 та (68 фоиз) ер участкалари “E-ijro aukcion” аукционини четлаб ўтиб тўғридан-тўғри ажратилганлиги ва натижада, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тушумлари йўқотилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, “E-ijro aukcion” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотилган 15 128 та ер участкаларидан 4 383 тасининг (29 фоизи) бошланғич нархлари кадастр органлари томонидан нотўғри ҳисобланиб, натижада маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тушумлари йўқотилган.

Ўрганиш олиб борилган даврда “E-ijro aukcion” аукционига бошланғич нархи 21,2 млрд сўм бўлган 2 021 та ер участкалари бир неча марта аукционга чиқарилишига қарамасдан 8 ойдан ортиқ муддатда сотилмасдан қолаётганлиги, натижада ушбу ер участкалари бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилмасдан қолаётганлиги маълум бўлди.

Бунга асосий сабабларидан бири, ер участкаларини сотишда инвестиция мажбуриятларини белгилашнинг аниқ тартиби мавжуд эмаслиги ҳамда ер участкаларини бошланғич нархини белгилаш бўйича амалдаги тартиб уларни ҳақиқий харид қийматини аниқлашга имкон бермаётганлигини кўрсатди.

“E-ijro aukcion” савдо майдончаси ахборот тизимини шаффофлиги ва хавфсизлиги таъминланганлиги ўрганилганда, савдо майдончаси ахборот тизимини универсал платформаси яратилмагани (айрим операцион тизим ва браузерлар орқали савдога кириб ишлаш имконияти чеклангани) ва савдо иштирокчилари фойдаланган операцион тизим ва браузерлар ҳақидаги маълумотлар базада сақланиб борилмаганлиги маълум бўлди.

Жумладан, сотилиши тақиқланган мол-мулкларни ва аукционда иштирок этиши чекланган шахсларни ахборот тизимида аниқлашни имкони йўқ.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ҳамда электрон аукционлар жараёнини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида шакллантирилган таклифлар асосида “Йўл харита” ишлаб чиқилди.

11.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги ПҚ-4840-сонли қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда Ишчи гуруҳ ва Штаб ташкил қилиниб, табиий газ ва электр энергия электрон ҳисоблагичларини етказиб бериш, ўрнатиш, тизимга улаш ва кўзланган самарани бериш жараёнлари устидан назорат ўрнатилди.

Белгиланган режа-графикларга мувофиқ 2021 йил 1 январь ҳолатига табиий газ бўйича электрон ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши режадаги 1 237,2 минг дона ўрнига ҳақиқатда 538,8 минг дона ёки 44 фоизга, электр энергия бўйича электрон ҳисоблагичлар режадаги 7 418,5 минг дона ўрнига ҳақиқатда 5 354,4 минг дона ёки 75 фоизга ўрнатилган.

Тизим корхоналари билан мазкур муддатларга мувофиқ янгиланган графиклар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Ҳисоб палатаси ва Энергетика вазирлиги Ишчи гуруҳи томонидан автоматлаштирилган тизимларнинг жорий этилиши юзасидан мунтазам таҳлил ва муҳокамалар йўлга қўйилиб, ўрганишлар ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда лойиҳаларни молиялаштириш масалалари тезкор ҳал этиб борилди.

2020 йил ноябрь – 2021 йил январь ойларида электр энергия тизими бўйича 250 млн доллар, табиий газ тизими бўйича 150 млн доллар миқдорида кредит линияларининг очилиши таъминланиб, шундан 236,5 млн доллар ўзлаштирилиб, электрон ҳисоблагичларни етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари жадаллаштирилди.

Бевосита жойларга чиққан ҳолда Тошкент, Янгийўл ва Қибрай туманларида ўрганишлар ўтказилди ва тақсимлаш тармоқларига уланиш ва фойдаланишда 60 та ҳолатда қоидабузарликлар аниқланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига 40 та материаллар тақдим этилди.

Энергетика вазирлиги билан биргаликда ҳафталик ва ойлик асосда тизим корхоналари иштирокида муҳокамалар ўтказиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, 2021 йил январь ойида табиий газ электрон ҳисоблагичларини ўрнатиш даражаси 2020 йил декабрь ойига нисбатан 85 минг донага ёки 5 баробар ошди, ҳисоблагичларни ўртача кунлик етказиб бериш миқдори газ бўйича 1 000 донадан 7 000 донага кўпайди.

2021 йил 3 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6155-сонли Фармонида мувофиқ, табиий газ

назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муддати 2021 йил 1 октябрга қадар, электр энергияси ҳисобини назорат қилиш автоматлаштирилган тизимини жорий этиш муддати 2021 йил 1 майга қадар узайтирилди.

Ҳисоб палатаси Ишчи гуруҳи томонидан электр энергия ва табиий газ ҳисобини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳолати юзасидан назорат ишлари давом эттирилмоқда.

11.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 27 июль куни ўтказилган йиғилишдаги топшириққа асосан 26 та вазирлик ва идораларда “Яширин иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик (комплаенс назорат) тизими”ни жорий этиш ишлари Ҳисоб палатаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

2020 йил август ойида комплаенс назорат тизимини жорий этиш юзасидан 26 та вазирлик ва идораларда “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда белгиланган топшириқлар ижроси назоратга олиш мақсадида anticor.ijro.uz электрон назорат тизими жорий этилди ва “Йўл хариталари”да тасдиқланган 1 176 та топшириқлар ижроси онлайн назоратга олинди.

“Комплаенс назорат” тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи вазирлик ва идораларнинг масъул раҳбар ходимлари иштирокида ҳар ой муҳокама қилиб борилди.

Вазирлик ва идораларда “Комплаенс назорат” тизимини жорий қилиниши юзасидан тузилган рейтинг баҳолаш натижаси бўйича Олий таълим вазирлигида 7 та (28 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлигида, 9 та (19 фоиз), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 8 та (18 фоиз), Транспорт вазирлигида 6 та (12 фоиз) вазифаларнинг ижроси таъминланмаган ёки белгиланган вазифалар қониқарсиз даражада бажарилган.

Жумладан, қонун бузилишлар тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб ва регламентлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан соҳага оид белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилиш, хизмат сири ёки махфийлик қоидаларига риоя қилиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат хариди бўйича тартиблар ишлаб чиқилмаган.

Вазирлик ва идораларда ички идоравий ҳужжатлар ўз вақтида ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда тасдиқланмаганлиги сабабли кечиктирилган кунларга мос равишда ҳисобланган рейтинг баҳолари камайтирилди.

“Яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш” юзасидан тасдиқланган “Йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижроси 15 та вазирлик ва

идораларга чиқиб ўрганилганда, Марказий банк, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигида “Йўл хариталари” ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018-2020 йиллар давомида комплаенс-назорат тизимини жорий этиш бўйича берилган топшириқлари ижроси таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида 8 та Фармон, 6 та қарор ва 3 та йиғилиш баёнларида 32 та топшириқ берилганлиги, шундан бажариш муддати келган 19 та топшириқдан 14 таси (73,6 %) бажарилганлиги, қолган 5 та топшириқ ижроси ўз вақтида таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Коррупцияга қарши мувофиқлик тизимини жорий этиш бўйича белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида таклифлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

11.4. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини хорижий давлатларнинг ташқи аудит ва молиявий назорат органлари билан икки томонлама ҳамда халқаро ташкилотлар (INTOSAI, ASOSAI, ECOSAI ва бошқа) доирасида кўп томонлама ҳамкорлигини йўлга қўйишга, халқаро ташкилотларга аъзо бўлишга қаратилган ишлар олиб борилди.

Жумладан, 2020 йилда МДҲга аъзо давлатларнинг олий молиявий назорат органлари раҳбарлари Кенгашига кириш масаласида Кенгаш Котибияти ҳисобланадиган Россия Федерациясининг Ҳисоб палатаси билан музокаралар олиб борилди.

Ушбу масала Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг олий молиявий назорат органлари раҳбарлари Кенгашининг 2021 йилдаги навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 11 та давлат Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Озарбайжон ва Туркиянинг Олий аудит органлари раҳбарлари иштирокида музокараларни ўтказиш ўтказиш режалаштирилди.

Мазкур музокаралар давомида давлатлараро Олий аудит органлари ўртасида тажриба алмашиш, тўғридан-тўғри ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар муҳокама этилади.

Бундан ташқари, Тожикистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан ҳамкорлик битимини тузиш орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

11.5. Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилда амалга оширилган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, қонун бузилишларни барвақт олдини олиш мақсадида 40 дан ортиқ материаллар тайёрланиб, Ҳисоб палатасининг расмий веб-сайти, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.

Жумладан, Ҳисоб палатасининг расмий веб-сайти орқали 19 та материаллар ҳамда миллий телевидения орқали 22 та видео материаллар тайёрланиб, лавҳалар чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси